


Апрель ойида VII Европа Қуръон ва азон мусобақаси бўлиб ўтади



13:40 / 14.01.2019 1992

Гамбург Ислом маркази томонидан тарқатилган хабарга кўра, VII Европа Қуръон ва азон мусобақаси жорий йилнинг 12–14 апрель кунлари Гамбург шаҳрида ўтказилади. Бу ҳақда IQNA маълум қилади.

Ташкилий қўмитанинг изоҳ беришича, мусобақадан кўзланган асосий мақсад – Қуръони карим маданияти ва таълимотини кенг тарғиб қилиш, қориларнинг кўпайишига кўмаклашиш, одамларни Қуръони каримга янада яқинлаштириш, Европа Қуръон жамиятида ўзаро бирдамликни ўрнатишдан иборат.

Хабарда айтилишича, мусобақа ғолиблари пул мукофотлари билан тақдирланишади. Қироат йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳибига – 1500, иккинчи ўрин – 1200 ва учинчи ўрин эгасига 1000 евро ҳадя этилади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**